



ФАОЛ ВА ТАЪСИРЧАН НУТҚНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Бобоходжаев Рашиджон Хашимович,

*Тошкент давлат транспорт университети филология фанлари номзоди, доцент,
“Таҳририй навириёт ва полиграфия” бўлими бошлиғи*

Аннотация: Ушбу мақолада фаол ва таъсирчан нутқнинг асосий хусусиятлари ҳамда унинг жамиятдаги ва иш муҳитидаги аҳамияти таҳлил қилинади. Фаол нутқнинг аниқлик, тушунарлилик, таъсирчанлик, эмоционал таъсир, тасвирийлик ва тингловчи билан мулоқот каби жиҳатлари кенг ёритилган. Шунингдек, нутқ маданияти ва корпоратив этика ўртасидаги боғлиқлик, уларнинг ўзаро таъсири ва иш жойидаги коммуникатив муносабатларга таъсири ҳақида ҳам фикр юритилади. Мақола ҳар икки тушунчанинг инсон ва ташкилотлар ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ёритишга қаратилган.

Калит сўзлар: Фаол нутқ, таъсирчан нутқ, аниқлик, эмоционал таъсир, тасвирийлик, риторик саволлар, нутқ маданияти, корпоратив этика, жамоатчилик билан мулоқот, иш жойи муносабатлари

Annotation: This article analyzes the main features of active and persuasive speech, along with its significance in social and professional settings. It highlights key aspects such as clarity, comprehensibility, impact, emotional appeal, visualization, and interactive communication. Furthermore, the article explores the relationship between speech culture and corporate ethics, examining how they influence one another and shape communication within organizational environments. The article aims to underscore the importance of these two concepts in both personal and institutional contexts.

Keywords: Active speech, persuasive speech, clarity, emotional influence, visualization, rhetorical questions, speech culture, corporate ethics, public communication, workplace relationships.

Фаол ва таъсирчан нутқнинг хусусиятлари шундаки бу аниқ ва таъсирли усулда маълумотни етказиш, ишонч ва шошилишмаслик билан тингловчиларни ҳаракатга келтириш, уларга таъсир ўтказиш каби хусусиятларга эга нутқдир. Бундай нутқ ҳар бир нутқчига нафакат ўз фикрларини, балки аудиторияни ҳам тинглашга, тушунишга ва ҳаракатга ундашга ёрдам беради.

Аниқлик ва тушунарлилик. Аниқ фикрлар муҳим ҳисобланади. Фаол нутқнинг асосий хусусияти — бу аниқ ва тушунарли фикрларни етказишдан иборат.

Маърузачи ўз нутқини аниқ тушунтиришга интилиши керак. Фикрлар орқали ўз мақсадини ўз аудиториясига тушунарли етказиш муҳим ҳисобланади. Бунда албатта тўғри ва тўла маълумотга эга бўлиш, ўз нутқини тўлиқ ва аниқ маълумотлар билан



бойитиши керак. Бу шубҳасиз, ёлғон маълумот ёки тушунарсиз гаплардан қочишга ёрдам беради.

Интонация ва оҳанг ҳам таасурот ёритишда муҳим ҳисобланиб бу айниқса фаол нутқда жуда муҳим. Нотик оҳангни ўз нутқида, хоҳлаган самарага эришиш учун ишлатиши керак. У осойишта ёки керак бўлса, бироз шошилиш оҳангда бўлиши лозим. Бу нутқнинг таъсирчанлигини оширади. Нотик овозининг баландлиги ва пастлиги, вақтинча тўхташлар ва суръатнинг ўзгариши ўзаро таъсирни кучайтириши мумкин.

Тинчлик ва шошилмаслик — Фаол нутқда шошилмаслик ва тўғри суръатда сўзлашиш муҳим. Бу нутқни аниқ ва тушунарли қилишга ёрдам беради. Тинч нутқ хавф ва нотўғри тушунча туйғуларини йўқотади. Шунингдек, тез ёки суст сўзлашишдан сақланиши керак. Тинч ва мувозанатли суръат нутқнинг таъсирчанлигини ва эшитишни осонлаштиради.

Тасвирлаш ва амалий мисоллар ёрдамида мисоллардан тўғри фойдалана олиш нутқда жонли мисоллардан фойдаланиш аҳамиятга эга. Бу аудиторияни қизиқтиради ва нутқни реал ҳаётга боғлашга ёрдам беради. Аудитория ҳар қандай ҳақиқатни эмас, балки унинг ҳаётдаги амалий аҳамиятини кўрсатиб бориш лозимдир. Шунингдек, тасвирлар орқали тушунтириш инсонларнинг фикрларини жонли ва таъсирчан қилиб тасвирлайди. Бу нутқни гўзаллаштиради ва тингловчига масала ёки фикрни аниқлашга ёрдам беради.

Эмоционал таъсир — фаол нутқни таъсирчан қилувчи омиллардан бири бу ёрқин ва ҳиссий таърифлардан фойдаланишдир. Нутқчи ўз нутқида шундай илҳомлантирувчи ва одамларнинг эмоциясини уйғотувчи сўзлардан фойдаланиши керак. Бу аудиторияга таъсир қилувчи муҳим қисмдир. Нутқ маданиятида эмоционал таъсир тингловчиларга ахборотни шахсият билан боғлаш ва уларнинг ўйларига таъсир қилишга ёрдам беради.

Маъноли ва риторик саволлар ҳам нутқ маданиятида муҳим ҳисобланиб, бунда риторик саволлар аудиторияни фикрлашга мажбур қилади. Бунда жавоб талаб қилинмайди, лекин тингловчини баҳсга жалб қилиб, унга муҳим саволни аниқлашга ёрдам беради. Албатта бундай жараёнда тўғри саволлар бериш муҳим ҳисобланади, чунки саволлар жонли муҳокамага ва ҳар томонлама фикрлашга олиб келади.

Ижобий таассурот қолдириш. Узун ёки ўқиш учун оғир сўзлардан қочиш лозим, яъни ўзи тушунмаган сўзларни ишлатмаслик нутқда кўпроқ сўзларни аниқ ва оддий, амалда ишлатишга кўмаклашади. Бу инсонларнинг яхши ёд олишларига ёрдам беради ва тингловчиларга тўғри таъсир кўрсатади. Албатта маълумотларни бериш жараёнида шарҳ бериш ва аниқ тушунтириш муҳим ҳисобланади бу тингловчиларга ҳар бир сўзнинг ёки гапнинг моҳиятини тушунтириш, унинг аҳамиятини аниқлаш имконини яратади.

Муносабатлар ва ёрдам беришда ҳам фаол нутқ шу билан бирга, жамоатчилик фикрларини эҳтиёжга кўра қабул қилиш ва ўзаро муносабатларни сақлашга эътибор.





қаратади. Бу инсонларни бирлаштириш ва нафақат ўз фикрингизни, балки бошқаларни ҳам тушунишга ёрдам беради.

Нутқнинг самарали бўлиши учун аудитория билан тўғри алоқа ўрнатиш муҳим. Инсонлар билан таъсирчан ва ёрдам берувчи зиддиятлар орқали, уларнинг эътиборини янада кучайтириш мумкин. Фаол ва таъсирчан нутқнинг хусусиятлари унда аниқлик, тушунарлилик, эмоционал таъсир ва ўзга қарашларни тушуниш орқали инсонларнинг фикрлари ва ҳис-туйғуларини шакллантиради. Бундай нутқ, нафақат маълумотни етказиш, балки ундан янада катта таъсир ўтказиш, тингловчиларга илҳом бериш ва уларни ҳаракатга келтиришга ёрдам беради.

Нутқ маданияти ва корпоратив этика ўртасидаги боғлиқлик жуда мураккаб ва аҳамиятли ҳисобланиб, ушбу икки тушунча ўз-ўзидан бир-бирига яқин бўлиб, ҳар бири жамиятдаги ва иш муҳитидаги муносабатларни, ахлоқий меъёрларни, ишлаш тартибини белгилайди. Улар нафақат ташкилотнинг ички маданиятини шакллантиришда, балки ташқи муносабатлар ва жамоатчилик билан алоқа ўрнатишда ҳам муҳим рол ўйнайди.

Нутқ маданияти ва корпоратив этика ҳақида тўхталганимизда энг аввало, нутқ маданияти — бу инсоннинг сўзлашувдаги муносабатлари, фикрларини аниқ ва тушунарли етказиш, шунингдек, ахлоқий ва маданий қоидаларга риоя қилиш талаб этилса, корпоратив этикада бу ташкилотдаги ахлоқий қоидалар, нормалар ва принциплар бўлиб, ишчиларнинг ўз ишига ва бири-бирига бўлган муносабатларини, миждозлар ва ҳамкорлар билан алоқаларни белгилайди.

Корпоратив этика иш жойида адолат, ҳурмат, шаффофлик ва масъулиятни таъминлашга қаратилган. Нутқ маданияти ва корпоратив этиканинг умумий мақсадлари шундаки нутқ маданияти ва корпоратив этика ўртасидаги ўзаро боғлиқлик уларнинг умумий мақсадларидан келиб чиқади. Бунда маънавий масъулиятда нутқ маданияти ва корпоратив этика шахслар ва жамоалар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлашга, иш жойидаги муносабатларни, ахлоқий қоидаларни сақлашга қаратилган. Ишчиларнинг муносабатлари, уларнинг сўзлашуви, ишлаш услуби этик меъёрларга асосланади. Шунингдек, ҳурмат ва мулоқот жараёнида ҳам корпоратив этика ҳамда нутқ маданияти ўртасидаги боғлиқликнинг муҳим йўналиши бу ишчи ва бошқарувчилар ўртасидаги ҳурматни таъминлашдир.

Хулоса: Фаол ва таъсирчан нутқ шахснинг мулоқотдаги самарадорлигини оширади, тингловчида чуқур таассурот қолдириш ва унга таъсир ўтказиш имконини беради. Бундай нутқ аудитория билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш, ишонч уйғотиш ва ҳаракатга ундашда муҳим ўрин тутаяди. Шу билан бирга, нутқ маданияти ва корпоратив этика ўзаро боғлиқ бўлиб, ҳар иккиси иш жойидаги муносабатлар, ахлоқий меъёрлар ва ташкилот маданиятини шакллантиришда асосий рол ўйнайди. Уларнинг уйғун тарзда қўлланилиши жамоавий ишончни мустаҳкамлайди ва самарали фаолиятга замин яратаяди.





REFERENCES

1. Бабаходжаев Р. "Некоторые методологические вопросы терминологии." чебная терминосфера по избранной специальности сборник материалов научно-практического семинара (2010).
2. Бабаходжаев Р. Русский пласт в гидронимии Ташкента и Ташкентской области //Современные проблемы филологии. – 2020.
3. Бабаходжаев Р. Русский пласт в гидронимии Ташкента и Ташкентской области //Современные проблемы филологии. – 2020.
4. Бабаходжаев Р. Проблемы славянской лексикологии и фразеологии //славянские языки: системно-описательный и социокультурный аспекты исследования. – 2017.
5. Суюнова Д.Д. Научно-теоретический подход к реализации цифровой трансформации внедрения корпоративного управления в акционерных обществах. (Актуальные проблемы развития бизнеса и предпринимчивости в условиях цифровой экономики, международная научно-практическая конференция, 23 декабря 2022 г.).
6. Суюнова Д.Д. Анализ состояния внедрения и развития цифровой экономики в Узбекистане. (Цифровая трансформация в бизнесе и экономике, международная научно-практическая конференция, 21 июня 2023 г.).
7. Суюнова Д.Д. Пути использования автоматизированной информационной системы управления в обеспечении эффективности корпоративного управления. (Цифровая трансформация в бизнесе и экономике, международная научно-практическая конференция, 21 июня 2023 г.).
8. Суюнова Д.Д. Использование цифровых технологий в совершенствовании корпоративного управления. (Цифровая трансформация в бизнесе и экономике, международная научно-практическая конференция, январь 2024 г.).
9. Babaxodjayev, Rashid. "Nekotorye metodologicheskie voprosy terminologii." chebnaya terminosfera po izbrannoy spetsialnosti sbornik materialov nauchno-prakticheskogo seminara (2010).
10. Babaxodjayev R. Russkiy plast v gidronimii Tashkenta i Tashkentskoy oblasti //Sovremennye problemy filologii. – 2020.
11. Babaxodjayev R. Russkiy plast v gidronimii Tashkenta i Tashkentskoy oblasti //Sovremennye problemy filologii. – 2020.
12. Babaxodjayev R. Problemy slavyanskoy leksikologii i frazeologii //slavyanskie yazyki: sistemno-opisatelnyy i sotsiokulturnyy aspekty issledovaniya. – 2017.
13. Boboxodjaev R. X. Primenenie interaktivnykh metodov pri distantsionnom obuchenii russkomu yazyku //Uzbek scholar journal. – 2022. – t. 10. – s. 179-182.
14. Boboxo'Jayev R. H. Learning foreign languages online //Science and Education. – 2022. – T. 3. – №. 6. – S. 840-845.
15. Babaxodjayev R. Kommunikativnye osobennosti funkcionirovaniya evfemizmov //sodrujestvo yazykov sodrujestvo kultur. – 2017.
16. Boboxodjaev R. X. Primenenie interaktivnykh metodov pri distantsionnom obuchenii russkomu yazyku //Uzbek Scholar Journal. – 2022. – T. 10. – S. 179-182.